
2025 йилда туризмдан келадиган даромаднинг 2 миллиард доллардан зиёд бўлишига эришиш кўзда тутилмоқда

Президент мурожаатномасида 2025 йилда хорижий сайёҳлар сони 7 миллион нафарга етишига, туризмдан келадиган даромад 2 миллиард доллардан зиёд бўлишига эришиш лозимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбари мурожаатномада туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозимлигини айтди. Бу ҳақда ЎзА [xabar.berdi](#).

«Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ҳолбуки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд», деди Шавкат Мирзиёев.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2019–2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди. Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сони 7 миллион нафарга етишига, туризм экспортидан келадиган даромад эса 2 миллиард доллардан зиёд бўлишига эришиш лозимлиги таъкидланди.

«Газета.uz

2018-12-28 13:44:40